O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
DENOV TUMAN HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКАЯ ОБЛАСТЬ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА ДЕНАУСКОГО РАЙОНА

190500, Denov tumani, Sh.Rashidov ko’chasi 238-uy, tel.: 0(376)413-13-33, fax: 0(376) 413-12-42

2019 yil “26” 12 4721 - sonli

Денов туманида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6, 25-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари”га мувофиқ, туман ҳудудида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш максадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Денов туман “Бободеҳқон бозори” МЧЖ ҳудудида ҳар дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ўтказилсин.

2. Туман давлат солиқ инспекцияси Р.Нарзуллаев, туман ички ишлар бўлими И.Юсупов, туман санитария-эпидемиология назорати маркази Ф.Адинаев ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда:

Денов туман “Бободеҳқон бозори” МЧЖ ҳудудида дам олиш кунлари савдо ярмаркаларини тайёрлаш, ўтказиш ва ёпиш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқилишини;

дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат берилишини;

дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилишини таъминласин.

3. Қуйидагилар:

товарга оид ҳужжатлар;

сотувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда дам олиш куни ярмаркаларида иштирок этиш ва маҳсулотларни сотишга рухсат берилиши белгилаб қўйилсин.

4. Мазкур қарор дам олиш кунлари бозор ҳудудида савдо ярмаркаларини ўтказишда бевосита қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан сотишга шарт-шароитлар яратиш учун махсус ажратилган жойларда амалга оширилиши учун тадбиқ этилиши бўйича алоҳида назорат ўрнатилсин (байрам кунлари ташкил этиладиган савдо ярмаркалари бундан мустасно).

5. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Абдурайимов зиммасига юклатилсин.

DEVONXONA

ASLIGA TO‘G‘RI
IMZO

Туман ҳокими **Б.Ибатов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
DENOV TUMAN
HOKIMI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ХОКИМ ДЕНАУСКОГО
РАЙОНА

190500, Denov tumani, Sh.Rashidov ko'chasi 238-uy, tel.: 0(376)413-13-33, fax: 0(376) 413-12-42

20 19 yil " 26 " декабр 01-37/1027- sonli

Денов туман адлия бўлими
бошлиғи Ш.Назаровга

Сизга, туман ҳокимининг "Денов туманида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасига кўра ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юбормоқда.

Туман ҳокими **Б.Ибатов**

Баж: Б.Исмоилов

Денов туман адлия бўлими
бошлиғи Ш.Назаровга

Денов тумани хокимлиги юристи томонидан норматив-хукукий хужжат лойихасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан

М А Ъ Л У М О Т Н О М А

2019 йил 26 декабрь Денов т.

Денов тумани ҳокимининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 253-сон қарорига мувофиқ, туман ҳудудида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятни таъминлашга ва бу борадаги амалга ошириладиган ишларни ўз вақтда ташкил этиш ва сифатли бажаришни тартибга солади, бу масалани ечиш “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолини савдо соҳасидаги вазифаларни амалга оширишни ташкил этишни, соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги ваколатига киради.

Ушбу қарор лойиҳаси 2019 йил 16 декабрда Ўзбекистон Республикаси ягона интерактив давлат хизматлари порталига (regulaton.gov.uz) жамоатчилик муҳокамасига қўйилди ва эътирозлар бўлмади.

Лойиха Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунчиликка ва конунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ тайёрланган.

Туман ҳокимлиги
бош юристконсульти **Б.Исмоилов**

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Денов туман адлия
бўлими бошлиғи
Ш.Назаров

Денов туман адлия бўлими томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан
Х У Л О С А С И

2019 йил 26 декабрь Денов тумани

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 18-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги 3666-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низом талабларига асосан, Денов туман ҳокимининг “Денов туманида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганда қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И :

Денов туман ҳокимининг “Денов туманида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари”га мувофиқ ишлаб чиқилган.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддасига асосан ушбу қарорни қабул қилиш туман ҳокими ваколатига киради.

Қарор лойиҳаси Денов туман “Бободеҳқон бозори” МЧЖ билан келишилган.

Қарор лойиҳаси 2019 йил 11 декабрь кунидан 2019 йил 26 декабрь кунига қадар жамоатчилик муҳокамасидан 11054-рақам билан (regulation.gov.uz сайтида) ўтказилган.

Денов туман ҳокимининг мазкур қарори лойиҳаси қонун ҳужжатларига зид эмас ва қонунчилик техникаси талабларига тўлиқ жавоб беради.

Юқоридагиларга биноан, тақдим этилган қарор лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича

ХУЛОСА ҚИЛИНДИ:

Денов туман ҳокимининг “Денов туманида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги қайд этилсин.

Денов туман адлия
бўлими бош маслаҳатчиси **Б.Хидиров**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
DENOV TUMAN
HOKIMI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ХОКИМ
ДЕНАУСКОГО РАЙОНА

190500, Denov tumani, Sh.Rashidov ko'chasi 238-uy, tel.: 0 (376) 413-13-33, fax: 0 (376) 413-12-42

"26" декабрь 2019 yil «26» декабр

А-37/1026 - sonli

Денов туман "Чағаниён" газетасининг бош мухаррири С.Мамажоновга

Сизга, "Денов туманида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги карори Денов туман адлия бўлимидан ҳуқуқий экспертизадан ўтганлиги муносабати билан "Чағаниён" газетасига чоп этиш учун юборилмоқда.

Илова: Қарор нусхаси.

Туман хокими Б.Ибатов

Баж: Б.Исмоилов

Қабул қилиб олдим;
27.12.2019 й

«ДБ» МЧЖ. б. 18. т. 200. 2019 йил